

## Нафл намоз ўқиш ман қилинган вақтлар | Ҳадис дарслари (286-дарс)



19:00 / 12.06.2024 4046

هُلِّلَا يَضَرُّ سَابَعٌ نُبَا نَع  
لَا جَرِي دُنْعَ دِهَشٍ لَأَقُ هُنَع  
رُمُعَ يَدُنْعَ مُهَاضِرًا وَنَوِي ضَرَم  
هَيْلَعُ هَلِّلَا يَلَصُّ يَبْنَلَا نَأُ

ذَعَبِةٌ أَلَّصَلَا نَعِ يَهَنَ مَلَسَو  
قُرْشُتِ يَّتَحِ حَبُّصَلَا  
يَّتَحِ رُصَعْلَا ذَعَبَو ، سَمَّشَلَا  
ةٌ سَمَّخَلَا هَاوَر . بَرْعَت

Ибн Аббос розияллоху анхудан ривоят қилинади:

**«Менга энг одил кишилар гувоҳлик бердилар. Уларнинг ичида энг одили Умардир.**

**«Албатта, Набий соллаллоху алайҳи васаллам Бомдод намозидан кейин то қуёш чиққунча ва Асрдан кейин (қуёш) ботгунча намоз ўқишдан қайтарганлар».**

*Бешовлари ривоят қилганлар.*

**Шарҳ:** Бу ҳадисдаги «одил киши» деган жумла «адолатли» эмас, балки «ростгўйликларида ва динларида ҳеч қандай шубҳа йўқ бўлган, гувоҳлиги ўтадиган одамлар», деган маънони англатади. Бу эса келтирилган хабар ўта ишончли ва муҳим эканлигидан дарак беради.

Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Бомдод намози ўқилганидан кейин қуёш чиққунча намоз ўқиб бўлмаслиги.
2. Аср намозини ўқигандан сўнг қуёш ботгунча намоз ўқиб бўлмаслиги.

هُنَعُ هَلَلَا يَضَرَّ رَمْعِ نُبَا نَعِ  
هَيْلَعُ هَلَلَا يَلَّصِي بَّنَلَا نَعِ

أُورِحَاتُ آلَ بِلَاقِ مَلَسَو  
سَمَّ شِلَا عُولُ طُمُ كِتِ آلَ صَب  
عُلُ طُتِ أَهَّنِ إِفِ ، أَهَبُ وُرُغِ آلَ وِ  
يَفَوِ . نِ أَطِيَّ شِلَا يِ نَرَقِبِ  
سَمَّ شِلَا أُبِجَاحِ عَ لَطِ إِذَا : ةِ يِ أَوِ  
يَّتَحِ ةِ آلِ صِلَا أُورِخِ أَفِ  
بِجَاحِ بَاغِ إِذَا وِ ، عَفَاتُ رَتِ  
ةِ آلِ صِلَا أُورِخِ أَفِ سَمَّ شِلَا  
نِ أَخِيَّ شِلَا هَا وِ . بِي عَتِ يَّتَحِ  
يِئِئِ اسِّنِ لَ أَوِ

Ибн Умар розияллоху анхудан ривоят қилинади:

**«Набий соллаллоху алайҳи васаллам:**

**«Намозингиз ила қуёшнинг чиқишини ҳам, ботишини ҳам намоз вақти қилиб олманглар. Чунки у шайтоннинг шохлари орасидан чиқади», дедилар».**

Яна бир ривоятда:

**«Қуёшнинг қоши чиқса, намозни у кўтарилиб бўлгунча кечга суринглар. Қуёшнинг қоши ботса, намозни у ботиб бўлгунча кечга суринглар», дедилар».**

*Икки Шайх ва Насайи ривоят қилганлар.*

**Шарҳ:** Ушбу ривоятдаги «қуёшнинг қоши» иборасидан мурод, қуёш доирасининг бир тарафи – қошга ўхшаб эгилган жойи тушунилади.

Ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Қуёш чиқаётган вақтда намоз ўқимаслик.
2. Қуёш ботаётган вақтда намоз ўқимаслик.
3. Қуёшнинг бир тарафи чиқиб, кўринганидан кейин у то тўлиқ кўтарилиб бўлгунча намоз ўқимай туриш.
4. Қуёшнинг бир тарафи ботганидан кейин то у тўлиқ ботиб бўлмагунча намоз ўқимай туриш.
5. Мазкур вақтларда намоз ўқиб бўлмаслигининг сабаби **«Чунки у шайтоннинг шохлари орасидан чиқади»** деган ибора билан баён қилинган.

Имом Муслимнинг ривоятида:

«Ва кофирлар унга сажда қилурлар» жумласи зиёда келган.

Демак, қуёшпарастлар қуёшга у чиқаётган ва ботаётган пайтда сажда қилар эканлар. Шайтон эса ўша жойда туриб олиб, улар менга сажда қияптилар, деб масхара қилар экан. Ана шу кофирларга ўхшамаслик учун Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам мусулмонларни мазкур вақтларда намоз ўқишдан қайтарганлар.

يَضْرَعُ سَبْعَ نُبُورٍ مَعَهُ نَعِ  
أَيُّ تُلُقُ: لَأَقُ هُنَّ هَلَلَا  
لِيُؤَلِّلَ أَيُّ هَلَلَا لُؤَسَر

لَيْلٍ لَّا فَوْجَ بِلَاقٍ مُّسَا  
نِإْفٍ ، تَيْئِشْ أَمَلَّ صَفُ رُخَّ أَلَا  
ةَبُوتُكُمْ ةَدُوهُشَمْ ةَالَّ صِلَا  
مُتْ ، حُبُّ صِلَا يَلَّ صُتْ يَّتَح  
سَمَّ شِلَا عُلُّ طُتْ يَّتَحْ رُصُقَا  
وَإِخْمُرَ سِيْقَ عَفَاتُ رَتَف  
نَيْبُ عُلُّ طُتْ آهَنَّ إْفِ نَيْخُمُر  
أَهْلَ يَلَّ صُيْ وَيْوَ نَاطِيْ شَيْ نُرَق  
، تَيْئِشْ أَمَلَّ صُتْ ، رَافُ كُلا  
ةَدُوهُشَمْ ةَالَّ صِلَا نِإْفٍ  
خُمُرِ لَّا لِدُعِيْ يَّتَحْ ةَبُوتُكُمْ  
مَنْ هَجَّ نِإْفٍ رُصُقَا مُتْ ، هَلْظ  
أَهْبَ أَوْبَا حَتْ فُتْ وَرَجُسُتْ

أَمَّ لَصَفُ سَمَّ شِلَا تَغَازِ إِذِافِ  
عَدُوَّهُ شَمَّ ةَالَّصِلَا نِإِفِ ، تَيْئِشِ  
مُتْ ، رُصَعَلَا يِلَّصُتِ يَّتَحِ  
سَمَّ شِلَا بُرَعَتِ يَّتَحِ رُصُقَا  
يَنْرَقِ نَيْبُ بُرَعَتِ آهَنَّإِفِ  
أَهْلُ يِلَّصُيْ وَنَاطِيْ شِ  
أَلِإِةَ سَمَّخُلَا هَاوَرِ . رَأْفُكُلَا  
دُوَادِ يِبَالَوِ . يِرَاخُ بُلَا  
يِبَّنَلَا هِرَكَ . يِيْقَهْ يِبَلَاوِ  
مَلَسَوِ هَيْلَعُ هَلَلَا يِلَّصِ  
أَلِإِ رَاهَنَّ لَا فُصَنَّ ةَالَّصِلَا  
مَنَّ هَجَّ نِإِفِ ةَعْمُجَلَا مَوِي  
ةَعْمُجَلَا مَوِي يِفِ أَلِإِ رَجُسُتِ

ذُبَعِ يَنْبِ أَيُّ أَيُّ اسِّنْلَلَو  
فَاطِ أَدْحَأُ أُوغَنْمَتِ أَلِ فِ أَنْم  
ةِ أَيُّ لَصَوِ تِيْبُ لَأِ أَدَّوِب  
رَاهَنْ وَأَلِيْلُ نَمَءَ شِةَ عَاسِ

Амр ибн Абаса розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

**«Эй Аллоҳнинг Расули, кечанинг қайси вақти (дуо) эшитилувчироқ?» дедим.**

**У зот:**

**«Кечанинг охирги қисми. Бас, хоҳлаганингча намоз ўқи. Албатта, токи Бомдодни ўқигунингча намоз шоҳид бўлинган ва ёзилган бўлур. Сўнгра қуёш чиқиб, бир ёки икки найза бўйи кўтарилгунча тўхта. Чунки у шайтоннинг шоҳлари орасидан чиқур ва кофирлар унга ибодат қилурлар. Сўнгра хоҳлаганингча намоз ўқи. Албатта, токи найзанинг сояси унинг ўзига тенглашгунча намоз шоҳид бўлинган ва ёзилган бўлур. Сўнгра тўхта. Чунки ўша пайтда жаҳаннам қизитилур ва унинг эшиклари очилур. Қачонки қуёш мойил бўлганда хоҳлаганингча ўқи. Албатта, токи Асрни ўқигунингча намоз шоҳид бўлинган бўлур. Сўнгра қуёш ботгунча тўхта. Чунки у шайтоннинг шоҳлари орасидан ботур ва кофирлар унга ибодат қилурлар», дедилар».**

*Бешовларидан фақат Бухорий ривоят қилмаган.*

Абу Довуд ва Байҳақийнинг ривоятида:

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам жумъа кунидан бошқа пайтда наҳорнинг ярмидаги намозни хуш кўрмаганлар. Чунки жаҳаннам жумъа кунларидан бошқа вақтда қизитилади», дейилган.**

Насайнинг ривоятида эса:

**«Эй Бани Абду Маноф, ушбу уйни тавоф қилган ва кечаю кундузнинг хоҳлаган соатида намоз ўқиган одамни ман қилманглар»,** дейилган.

**Шарҳ:** Аввало ҳадиснинг ровийси Амр ибн Абаса розияллоҳу анҳу билан яқиндан танишиб олайлик:

Амр ибн Абаса ибн Омир ибн Ҳомид ас-Самий, кунялари Абу Нужайҳ. Исломга биринчи бўлиб кирганлардан ҳисобланадилар. Амр Исломга кирган кунларини шундай баён қиладилар: «Қалбимга нимагадир «Бутларга ибодат қилиш ботил» деган фикр келди. Бир одамга бу фикримни айтсам, у менга: «Эй Амр, сен ўйлаган нарсани Маккада бир одам гапираётган эмиш», деб қолди. Бу гапдан кейин Маккага бордим. У одам ҳақида сўраган эдим, менга:

«Кечқурун Каъбани тавоф қилгани келади, кундузи бекиниб юради», дейишди. Каъба ёнида ухлаётганимда кимнингдир «Лаа илааҳа иллаллоҳу» деган сўзидан уйғониб кетдим. У одамга бориб:

«Кимсан?» дедим.

У киши менга:

«Аллоҳнинг Расулиман», дедилар.

«Аллоҳ сени нима билан юборди?» деб сўрадим.

У:

«Аллоҳга ширк келтирмасдан, Унга ибодат қилишга, ўзаро қон тўкмасликка, қариндош-уруғлар орасида борди-келдини тиклашга», деб жавоб бердилар.

У кишига:

«Ҳозир сиз билан ким бор?» десам,

«Бир ҳур ва бир қул бор», дедилар.

«Қўлингизни беринг, сизга байъат қиламан», деб, Исломга кирдим.

«Ҳозир тўртта мусулмон эканмиз. Сиз билан турайми?» дедим.

«Йўқ қавмингга қайт, агар менинг бошқа жойга кўчганимнинг хабарини эшитсанг, келгин», дедилар.

Мен қавмимга қайтиб, у ерда кўп вақт турдим. Кейин менга бир одам «Муҳаммад Маккадан Ясрибга кўчди», деб қолди. Ясриб томон йўл олдим.

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига кириб:

«Мени танияпсизми?» дедим.

«Ҳа, сен менга Маккада байъат қилган эдинг», дедилар. Кейин билсам, орада Бадр, Уҳуд, Ҳандақ жанглари ўтиб кетган экан».

Амр ибн Абаса Мадинага келиб, шу ерда турдилар. Сўнг Шомга кўчиб ўтдилар.

Бу зот Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламдан бир нечта ҳадислар ривоят қилдилар. Улардан эса Абдуллоҳ ибн Масъуд, Абу Умома ал-Боҳилий, Саҳл ибн Саъд, тобеъинлардан Абу Идрис Ҳувлоний, Салим ибн Омир, Касийр ибн Мурра ва бошқалар ривоят қилганлар.

Ушбу ҳадиси шарифда нафл намоз ўқиш мумкин бўлмаган вақтлар батафсил баён қилинмоқда. Уларнинг ҳикматлари ҳам баён қилиниши билан бирга, баъзи бир истиснолар ҳам зикр этилмоқда.

Ҳадисдаги баъзи бир истилоҳлар билан танишиб олайлик:

### **«Кечанинг қайси вақти (дуо) эшитилувчироқ?»**

Яъни, кечанинг қайси вақтида дуо ва ибодат яхшироқ қабул қилиниб, сўралган нарса ижобат бўлади?

### **«Кечанинг охириги қисми»**

Яъни, кечанинг охириги – олтидан бир қисми, деб тушунмоқ керак.

### **«Албатта, намоз шоҳид бўлинган ва ёзилган бўлур»**

Яъни, ўша намозга фаришталар шоҳид бўлурлар ва савобини ёзиб қўюрлар.

Хаттобий раҳматуллоҳи алайҳи:

«Қуёшнинг шайтон шохлари орасидан чиқиши ва жаҳаннамнинг қиздирилиши каби нарсалар ҳис қилиш ва кўриш билан идрок этиб бўлмайдиган нарсалардир. Ундай нарсаларга иймон келтириш ва улар ҳақида баҳс қилишни тарк этиш лозим», деганлар.

Бундай истилоҳлар мажозий бўлишини олдин ҳам ўрганиб чиққанмиз.

Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Ибодат ва дуо қачон кўпроқ ҳамда яхшироқ қабул бўлишини сўраш мумкинлиги.
2. Кечанинг охириги – олтидан бири дуо ва ибодат энг яхши қабул бўладиган вақт эканлиги.
3. Ўша вақтда хоҳлаганча намоз ўқиш яхшилиги.
4. Ўша вақтдаги намозга фаришталар гувоҳ бўлиб, савобини ёзиб туришлари.
5. Бомдодни ўқигандан сўнг то қуёш бир найза бўйи кўтарилмагунча нафл намоз ўқиб бўлмаслиги.
6. Бу вақтда кофирлар қуёшга ибодат қилганлари ва уларга ўхшаб қолмаслик учун намоз ўқиш ман қилинганлиги.
7. Қуёш бир найза бўйи кўтарилганидан то найзанинг сояси ўзининг узунлигига тенг бўлгунга қадар хоҳлаганча нафл намоз ўқиш мумкинлиги.  
Бу вақтдаги намозга фаришталар шоҳид бўлиб, савобини ёзиб туришлари.
8. Найзанинг сояси ўзининг узунлигига тенг бўлганидан бошлаб, қуёш қиёмдан пасайгунга қадар намоз ўқиб бўлмаслиги.
9. Ўша пайтда Жаҳаннам қизитилиб, эшиклари очилиши.
10. Қуёш қиёмдан оғганидан кейин Аср намозигача хоҳлаганча нафл намоз ўқиш мумкинлиги.
11. Ўша намозга фаришталар шоҳид бўлиши.
12. Асрдан сўнг то қуёш ботгунча нафл намоз ўқиб бўлмаслиги.
13. Қуёш шайтоннинг шохлари орасидан ботиши ва кофирлар унга ибодат қилишлари.
14. Жумъа куни наҳорнинг ярмида жаҳаннам қизитилмаслиги ва ўша куни у вақтда нафл намоз ўқиш мумкинлиги.

15. Байтуллоҳда кеча-кундузнинг хоҳлаган соатида тавоф қилиб, намоз ўқиш мумкинлиги.

**«Ҳадис ва ҳаёт» китобининг 4-жузи асосида тайёрланди**